
“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”НИНГ ИККИНЧИ МАВСУМИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА 192 ТА ЛОЙИҲА ҒОЛИБ БЎЛДИ

2024 йилнинг иккинчи мавсумида “Ташаббусли бюджет” учун овоз бериш жараёнига Фарғона вилояти бўйича жами 2483 та лойиҳа илгари сурилган эди. Уларнинг 2311 таси тасдиқланган. Ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, 1 042,5 мингта овоз берилган.

Овоз бериш жараёнлари якунларига кўра, вилоятдаги 167 та маҳаллаларда жами 798,1 мингта овозлар билан 192 та “Энг кўп” овоз тўплаган жами 250,26 млрд. сўмлик лойиҳалар ғолиб деб топилди.

Илгари сурилган ва ғолиб бўлган лойиҳаларга эътибор қаратадиган бўлсак, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ тадбирлар энг кўп ғолиб бўлган - 54 та лойиҳа. Кейинги ўринда ички йўлларни таъмирлаш тадбирлари турибди - 49 та лойиҳа. Учинчи ўринда соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий техника базасини ривожлантириш тадбирлари - 39 та лойиҳа. Қолган барча ғолиб бўлган ташаббуслар 50 тани ташкил этади.

Худудлар кесимида олиб қараганда, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида 17 тадан лойиҳа, Марғилон шаҳрида 14 та лойиҳа, Қува туманида 12 та лойиҳа, Бағдод туманида 11 та лойиҳа, Бешариқ, Бувайда, Олтиариқ, Риштон, Учкўприк, Фарғона ва Ўзбекистон туманларида 10 тадан лойиҳа, Данғара ва Тошлоқ туманларида 9 тадан лойиҳа, Қўштепа туманида 8 та лойиҳа, Фурқат туманида 7 та лойиҳа, Қувасой шаҳри, Ёзёвон ва Сўх туманларида эса 6 тадан лойиҳа ғолиб бўлган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-07 16:41:46